

Ўзбекистон Республикаси Адлия
вазирлиги томонидан 2020 йил 6
ноябрдаги 75/п – сон билан
**ҚАЙТА РЎЙХАТДАН
ЎТКАЗИЛГАН**

“Олмалик кон-металлургия
комбинати” акциядорлик жамияти
ходимлари касаба уюшмаси
Конференциясининг 2020 йил 8
сентябрдаги VII-3-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**“ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ
УСТАВИ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти ходимлари касаба уюшмаси (бундан буён матнда – “**касаба уюшмаси**” деб юритилади) – “Олмалиқ КМК” АЖ ходимларининг ўз меҳнат фаолияти, ҳамда умумий касбий манфаатлари билан боғлиқ бўлган, шунингдек, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларида қисман банд ва вақтинчалик ишсиз, талаба, ишламайдиган пенсионерларнинг меҳнатга оид, бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида тузилган, ўз устави асосида фаолият кўрсатадиган ўзини-ўзи бошқарувчи, жамоат бирлашмасидир.

Мазкур ташкилот муқаддам “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти ходимлари касаба уюшмаси сифатида рўйхатдан ўтказилган.

1.2. Касаба уюшмасининг номланиши:

ўзбек тилидаги тўлиқ номи - “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти ходимлари касаба уюшмаси, қисқартмаси - “ОКМК” АЖ ХКУ.

рус тилидаги тўлиқ номи - Профессиональный союз работников акционерного общества «Алмалыкский горно-металлургический комбинат», қисқартмаси – ПСР АО «Алмалыкский ГМК».

инглиз тилидаги тўлиқ номи – Trade union of employees of JSC “Almalyk mining and metallurgical Combine” қисқартмаси - TUOE JSC “АММС”

1.3. Касаба уюшмаси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва фуқаролик кодекслари, Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида Жамоат бирлашмалари тўғрисида”, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Халқаро меҳнат ташкилотининг Конвенциялари, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Устави ҳамда мазкур Устав асосида амалга оширади.

1.4. Касаба уюшмаси Уставда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, иш берувчилар, уларнинг бирлашмалари, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, юридик шахслар ҳамда фуқаролар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

1.5. Касаба уюшмаси ўз фаолиятида, шу жумладан молиявий фаолиятида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, иш берувчилар ва уларнинг бирлашмалари, сиёсий партиялар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларидан мустақилдир ҳамда улар олдида ҳисобдор эмас ва улар томонидан назорат қилинмайди, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Ўз аъзолари манфаатини кўзлаб, касаба уюшмаси улар билан ўзаро муносабатларни қонунийлик, тенг ҳуқуқлилиқ, ижтимоий ҳамжихатлик ва ўзаро ҳамкорлик, жамоа шартномалари, келишув, музокара ва ҳамкорлик асосида тузади.

1.6. Касаба уюшмаси ўз тузилмасини, фаолиятининг мақсади, шакли ва услубларини белгилашда эркиндир, мустақил равишда ўз органларини шакллантиради ва штатдаги ходимлар аппаратини тузади.

1.7. Касаба уюшмаси мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятни ўз зиммасига олиши, судда даъвогар ёки жавобгар тараф сифатида иштирок этиши мумкин.

1.8. Касаба уюшмаси ўз фаолиятини адолат, қонунийлик, ихтиёрийлик, камситишга йўл қўймаслик, мустақиллик ва ўзини ўзи бошқариш, тенг ҳуқуқлилиқ, ошкоралиқ ва очиқлик пинципларига асосан амалга оширади.

Давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари, иш берувчилар касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлайди. Касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг фаолиятига аралаштишга, шу жумладан уларнинг фаолияти тўғрисида бирор-бир ҳужжат тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

1.9. Касаба уюшмасининг доимий фаолият кўрсатувчи раҳбар органи – “Олмалик КМК” АЖ ходимлари касаба уюшмаси Кенгаши жойлашган манзили: 110105, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Олмалик шаҳри, Хумо кўчаси, 5 уй.

II. КАСАБА УЮШМАСИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Касаба уюшмасининг асосий мақсади - ўз касаба уюшмаси аъзоларининг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқларини, шунингдек касбий, маданий ва маънавий, экологик ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш, амалдаги қонунчилик доирасида уларнинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлашдан иборатдир.

2.2. Касаба уюшмаси ўз мақсадига эришиш учун қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

2.2.1 касаба уюшмасининг ўз мақсадига эришиш борасидаги ҳаракатларини мувофиқлаштирувчи ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқади, ўз аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий меҳнат ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимояланишининг самарадорлигини оширади, уларнинг мустаҳкамланишига эришади;

2.2.2 давлат ва жамоат ташкилотларида ўз касаба уюшмаси аъзоларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ифода қилади ва ҳимоя қилади;

2.2.3 миллати, жинси, ёши, диний эътиқоди ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, касаба уюшмаси аъзосининг меҳнат қилиш, эркин иш ва касб

- танлаш, қулай меҳнат шароитига эга бўлиш ҳамда ишсизликдан ҳимояланишга бўлган конституциявий ҳуқуқларига риоя этилишига эришади;
- 2.2.4 касаба уюшмаси аъзоларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг ҳимояланишини таъминлаш мақсадида уларга ҳуқуқий-консултиватив юридик хизмат кўрсатади;
- 2.2.5 ўз касаба уюшмаси аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга моддий ёрдам кўрсатади;
- 2.2.6 касаба уюшмаси ходимларнинг вакиллик органи сифатида иш берувчи билан жамоа музокараларини олиб борган ҳолда, ходимларнинг ўз меҳнат фаолият тури бўйича, ҳамда умумий касбий манфаатлари билан боғлиқ бўлган меҳнатга оид, бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ, қонуний манфаатларини ифода этувчи жамоа шартномасини ишлаб чиқиш ва тузиш ташаббуси билан чиқади ҳамда унинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;
- 2.2.7 меҳнатга, ижтимоий-иқтисодий масалаларга ва меҳнатни муҳофаза қилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши, атроф муҳит муҳофазаси ҳолатини, ходимларга соғлом ва ҳавфсиз меҳнат шароитларини, талаб даражасидаги ишлаб чиқариш шароитларини яратиш, ижтимоий суғурта ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, шунингдек, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилиши ва ижросининг таъминланиши, ходимларнинг ижтимоий таъминоти, яшаш шароитларини ва бошқа ижтимоий ҳимоя турларини яхшилаш бўйича қонунда белгиланган тартибда жамоатчилик назоратини амалга оширади;
- 2.2.8 касаба уюшмаси иш берувчининг меҳнатга оид ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган, ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги тегишли ҳужжатлари (қарорлари) лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади, ҳамда ушбу ҳужжатлар (қарорлар) қабул қилиниши юзасидан иш берувчига ўз таклифларини билдиради;
- 2.2.9 касаба уюшмаси иш берувчининг меҳнатга оид ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги қарорларининг лойиҳалари бўйича жамоатчилик муҳокамаларини ўтказиши, қабул қилинадиган ҳужжатлар (қарорлар) лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиши мумкин, шунингдек, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг талабларини бажариш бўйича иш берувчининг фаолиятига тааллуқли бўлган масалаларни муҳокама қилиш мақсадида жамоатчилик эшитувини ҳамда уларнинг ижроси юзасидан жамоатчилик мониторингини ўтказиши мумкин;
- 2.2.10 ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини санаторий-курортларда даволаниш, болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш, шунингдек, уларнинг маънавий салоҳиятини юксалтириш борасида маданият, туризм соҳаларида маданий-маърифий тадбирларни ташкил этади, улар орасида оммавий спортни тарғиб қилишга қаратилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

- 2.2.11 маблағ мавжуд бўлган ҳолатларда, ижтимоий-маданий объектларини (болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари, дам олиш масканлари, кутубхона, маданият саройи, санаторий-профилакторий, спорт объектлари) қурилишини молиялаштириши, уларни таъмирлаш ва жиҳозлаш, шунингдек, меҳнаткашларга қулай меҳнат шарт-шароитларини яратиш учун маблағ ажратиши мумкин;
- 2.2.12 касаба уюшмаси ўз таъсис ҳужжатларида белгиланган тегишли мақсад ҳамда вазифалар доирасида тадбиркорлик, ноширлик фаолияти ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа фаолият билан шугулланиши мумкин;
- 2.2.13 касаба уюшмаси фаолиятида ошкоралик ва очиқлик принципини таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситаларида, интернет жаҳон ахборот тармоғида, шу жумладан касаба уюшмаларининг расмий веб-сайтларида ўз фаолияти юзасидан тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боради;
- 2.2.14 касаба уюшмаси кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, касаба уюшмаси ходимлари ва касаба уюшма аъзоларининг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида белгиланган тартибда ўқитиш ишларини амалга оширади;
- 2.2.15 меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик - жамоа музокараларини, маслаҳатлашувларини олиб бориш, жамоа шартномалари лойиҳаларини тайёрлаш, уларни тузиш ва бажарилиши устидан назоратни ташкил этиш. Шунингдек, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича касаба уюшмаси ходимларнинг вакиллик органи сифатида, ходимлар, иш берувчи ва давлат органлари ўртасида ходимларнинг, иш берувчининг ва давлатнинг ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солиш масалалри бўйича манфаатларини келишиб олишни таъминлашга қаратилган ўзаро ҳамкорликни амалга оширади;
- 2.2.16 давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилган ҳолда ходимларнинг меҳнат, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга доир меъёрий ҳужжатлар қабул қилинишига, барқарорлик, ижтимоий келишув ва фуқаролар осойишталиги сақланишига эришади;
- 2.2.17 иш берувчи билан меҳнатга ҳақ тўлаш тартибини ва шакиллари, моддий рағбатлантириш турларини, тариф асосида белгиланган ойлик иш ҳақи миқдорлари, иш вақти меъёрлари, ишлаш режими тўғрисидаги ҳуқуқларини жамоа шартномаси, келишувларда белгиланишини келишади.

III. КАСАБА УЮШМАСИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ШАКЛИ

3.1. Касаба уюшмаси даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз аъзолари ўртасида тақсимламайдиган Уюшма ташкилий-ҳуқуқий шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилотдир.

3.2. Касаба уюшмаси давлат рўйхатидан ўтган вақтдан бошлаб юридик шахс ҳисобланиб, ўз мулкига, банкларда ҳисоб рақамига, ўз муҳрига эга бўлади.

3.3. Касаба уюшмаси белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган ўз рамзлари (тимсоли)га эга бўлиши мумкин.

3.4. Касаба уюшмасининг юридик шахс сифатидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари Уставада белгиланган ваколатлар доирасида касаба уюшмаси органлари ва мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади.

3.5. Касаба уюшмаси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширади ва ўзининг таркибий бўлинмаларига эга бўлади.

IV. КАСАБА УЮШМАСИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Касаба уюшмаси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- 4.1.1. ўз аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш;
- 4.1.2. ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судга даъво аризаси, шунингдек суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиш;
- 4.1.3. ўз фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан йиғилишлар, Конференциялар, тадбирлар, суҳбатлар ўтказиш;
- 4.1.4. ходимларнинг манфаатларига дахлдор масалалар юзасидан жамоа музокараларини олиб бориш, жамоа шартномалари ва келишувларини тузиш;
- 4.1.5. касаба уюшмаси Уставида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун оммавий маданий, спорт, даволаш-соғломлаштириш муассасаларини, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш;
- 4.1.6. ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ва ушбу лойиҳалар юзасидан таклифлар киритиш;
- 4.1.7. ўз устав фаолиятини амалга ошириш учун давлат органларидан, уларнинг мансабдор шахсларидан, иш берувчидан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатлари масалалари юзасидан бепул ахборот олиш;
- 4.1.8. ташкилотларнинг раҳбарларидан ва бошқа мансабдор шахслардан меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида, шунингдек ишлаб чиқаришдаги барча бахтсиз ходисалар ва касб касалликлари ҳақида ахборот олиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисалар ва касб касалликларини текширишда иштирок этиш, ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилган ҳолларда ишларни тўхтатиб туриш тўғрисида, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш талабларининг бузилишларини бартараф этиш ҳақида иш берувчига таклифлар киритиш, меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳолатини ўрганиш, иш берувчининг жамоа шартномасида назарда тутилган меҳнатни муҳофаза қилишга доир мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилиш;
- 4.1.9. ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, шунингдек жамоа шартномаси талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини иш ўринларида амалга ошириш;

- 4.1.10. қонун ҳужжатларида ташкил этилиши ҳамда фаолият кўрсатиш тартиби белгиланадиган меҳнат низолари бўйича комиссияларнинг ишида иштирок этиш;
- 4.1.11. жамоавий меҳнат низоларини тартибга солишда иштирок этиш;
- 4.1.12. қорхонанинг раҳбарларига ҳамда бошқа мансабдор шахсларига ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг аниқланган бузилишларини баратараф этиш тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритиш, шунингдек ташкилотларнинг раҳбарларига мазкур қоидабузарликларда айбдор бўлган шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тақдимномалар киритиш;
- 4.1.13. давлат органларига, уларнинг мансабдор шахсларига, иш берувчига аризалар, шикоятлар ва тақлифлар билан мурожаат қилиш;
- 4.1.14. олинган ахборотни давлат органларининг, иш берувчининг ва бошқа ташкилотлар коллегиял бошқарув органларининг вакиллари иштирокида муҳокама қилиш;
- 4.1.15. ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган маълумотларни ҳамда бошқа ҳужжатларни давлат органларидан, иш берувчидан сўраб олишга, шунингдек сўралган ҳужжатларни ёки уларнинг тасдиқланган кўчирма нусхаларини бериши шарт бўлган ташкилотлардан сўраб олиш;
- 4.1.16. давлат органларининг, иш берувчининг очик ҳайъат мажлисларида иштирок этиш;
- 4.1.17. ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш юзасидан касаба уюшмаси инспекцияларини тузиш;
- 4.1.18. меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик асосида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини кўзлаб, давлат органлари, иш берувчи билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;
- 4.1.19. ўз фаолияти юзасидан оммавий ахборот воситаларида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш;
- 4.1.20. қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳудудий таркибий тузилмаларни ташкил этиш.

Касаба уюшмаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

4.2. Касаба уюшмасининг мажбуриятлари қуйидагилар:

- 4.2.1. қонун ҳужжатларига риоя қилиш;
- 4.2.2. ўз мулки ва пул маблағларидан фойдаланиш ҳақидаги ахборот билан танишиш эркинлигини таъминлаш;
- 4.2.3. нодавлат нотижорат ташкилотини рўйхатдан ўтказувчи органга ўзи ўтказаетган тадбирларга эркин кириш имконини бериш;

4.2.4. рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти ҳақида ҳисоботлар тақдим этиш;

4.2.5. касаба уюшмаси лицензия талаб қиладиган фаолият тури билан уни олгандан сўнг шуғулланиши мумкин.

Касаба уюшмаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

V. КАСАБА УЮШМАСИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқаролар, шунингдек ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида таълим олаётган, ўн беш ёшга тўлган шахслар (ходимлар) ҳеч қандай тафовутсиз ўз танловига кўра ва олдиндан рухсат олмай туриб, ихтиёрий равишда касаба уюшмаларини тузиш ҳуқуқига, шунингдек касаба уюшмаларига уларнинг уставларига риоя қилиш шарти билан аъзо бўлиш ҳуқуқига эгадир.

5.2. Касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилиш ва аъзоликдан чиқариш якка тартибда, аъзо бўлаётган шахснинг шахсий аризасига кўра касаба уюшмаси бошланғич ташкилотининг қарорига асосан амалга оширилади.

5.3. Касаба уюшмасига аъзолик аъзоликка қабул қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб ҳисобланади ва белгиланган тартибда аъзолик билети берилади.

5.4. Аъзолик бадаллари ойлик иш ҳақи (стипендия)нинг камида бир фоизи миқдоридан белгиланади.

5.5. Касаба уюшмаси аъзолиги ва аъзолик муддати қуйидаги ҳолларда сақланиб қолинади:

5.5.1. фарзанди 3 ёшга киргунча уни парваришlash муносабати билан иш фаолиятини вақтинчалик тўхтатганда;

5.5.2. ходимлар сони (штати)нинг ўзгариши ёки корхонанинг тугатилиши муносабати билан вақтинчалик ишсиз қолиб, меҳнат органида иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтган касаба уюшмаси аъзоси бошқа ишга жойлашгунча, шунингдек, соғлиги бўйича ёки пенсия ёшига етиши муносабати билан ишини тўхтатган касаба уюшма аъзоси, агар касаба уюшмаси ташкилоти билан алоқани ўз аризасига асосан узмаган бўлса;

5.5.3. муқобил ҳарбий хизматга чақирилган ёки мамлакатдан вақтинчалик ишлашга чиқиб кетган касаба уюшмаси аъзолари учун, аъзолик қайтиб келгунларига қадар сақланади.

5.6. Касаба уюшма аъзосининг ҳуқуқлари:

5.6.1. бепул ҳуқуқий ёрдам олиш, шунингдек давлат, суд ва мулк шаклидан қатъий назар хўжалик органларида меҳнат муносабатлари масалалари бўйича касаба уюшмаси томонидан ҳимоя қилиниш;

- 5.6.2. меҳнатга оид қонун ҳужжатлари, жамоа шартномаси шартларининг бузилиши, янги ижтимоий-иқтисодий меҳнат ва турмуш шароитларини белгилаш ёки амалдагисини ўзгартириш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича жамоавий низоларни кўриб чиқишда иштирок этиш;
 - 5.6.3. касаба уюшмаси органларига сайлаш ва сайланиш;
 - 5.6.4. касаба уюшмаси тадбирларида иштирок этиш, унда ўз фикрини эркин баён қилиш, оммавий ахборот воситаларида касаба уюшмасининг фаолияти билан боғлиқ бўлган барча масалаларни муҳокама қилиш, таклифлар киритиш, қарорлар ишлаб чиқишда иштирок этиш, ўзининг фаолияти ёки хулқига оид масала кўриб чиқиладиган мажлислар, умумий йиғилишлар, Конференцияларда шахсан иштирок этиш;
 - 5.6.5. касаба уюшмаси ташкилотлари, касаба уюшмаси органларининг иши ҳақида маълумотлар олиш, уларнинг фаолиятини баҳолашда иштирок этиш;
 - 5.6.6. касаба уюшмасининг юқори органларига мурожаат қилиш;
 - 5.6.7. касаба уюшмаси сиҳатгоҳларида, санаторий-профилакторийларда, дам олиш масканларида даволаниш ҳамда туристик саёхатлар учун имтиёзли тарифлар бўйича йўлланмалар сотиб олиш, ходимларнинг фарзандларини имтиёзли равишда болаларни соғломлаштириш оромгоҳларида дам олдиртириш ва соғломлаштириш;
 - 5.6.8. имтиёзли шартларда асосида касаба уюшмасининг маданият муассасалари, спорт иншоотларидан фойдаланиш;
 - 5.6.9. касаба уюшмаси маблағларидан моддий ёрдам олиш;
 - 5.6.10. касаба уюшмаси фаолиятида фаол иштирок этганлиги учун касаба уюшмаси органлари томонидан белгиланган миқдорда ҳамда тартибда маънавий ва моддий рағбатлантирилиш;
 - 5.6.11. ихтиёрий равишда ёзма аризасига асосан касаба уюшмаси аъзолигидан чиқиш.
- 5.7. Касаба уюшма аъзосининг мажбуриятлари:
 - 5.7.1. касаба уюшмаси Уставига риоя қилиш, касаба уюшмаси ташкилотининг фаолиятида бевосита иштирок этиш, касаба уюшмаси органларининг қарорларини бажариш;
 - 5.7.2. ўзига юклатилган касаба уюшмаси мажбуриятларини ва топшириқларини бажариш;
 - 5.7.3. жамоа шартномаси мажбуриятларининг бажарилишига кўмаклашиш;
 - 5.7.4. ҳар ойда белгиланган тартибда аъзолик бадалларини тўлаб бориш.
 - 5.8. Олти ойдан ортиқ вақт давомида узрли сабабсиз аъзолик бадалини тўламаган касаба уюшма аъзоси (стипендия олмайдиган талабалар, касаба уюшмаси бадалларини тўлашдан озод этилган 3 ёшгача фарзандининг тарбияси билан шуғулланаётган аёллар, ишламайдиган пенсионерлардан ташқари) касаба уюшмаси сафидан чиқарилган деб ҳисобланади.
 - 5.9. Касаба уюшмаси сафидан чиқарилган шахслар касаба уюшмасида сайлаб қўйиладиган лавозимларни эгаллаш ҳуқуқига эга эмас.

Касаба уюшмаси сафидан чиққан ёки чиқарилган шахслар касаба уюшмасининг умумий мулкига эгаллик қилиш ҳуқуқига эга эмас, улар томонидан тўланган аъзолик бадаллари қайтариб берилмайди.

VI. КАСАБА УЮШМАСИНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ

6.1. Касаба уюшмаси тузилмасини қуйидагилар ташкил этади:

- касаба уюшмаси гуруҳлари, касаба уюшмаси бўлинмалари (цех) ташкилотлари;
- касаба уюшмаси бошланғич ташкилотлари;
- Касаба уюшмаси.

Касаба уюшмасининг тузилмаси тегишли касаба уюшмаси органи қарори билан тасдиқланади.

Барча даражадаги касаба уюшмаси раҳбар органлари 5 йил муддатга сайланади.

6.2. Касаба уюшмаси раҳбар органлари бевосита умумий йиғилишлар, конференцияларда сайланиши ёки ҳар бир ташкилотдан конференцияга делегат сайлаш билан бир қаторда белгиланган меъёрга мувофиқ тегишли касаба уюшмаси раҳбар органи таркибига, муддатидан аввал чақиртириб олиш ёки алмаштириш ҳуқуқи билан, тўғридан-тўғри вакил йўллаш йўли билан шакллантирилиши мумкин.

6.3. Барча даражадаги сайлаб қўйиладиган касаба уюшмаси раҳбар органларининг раҳбарлари бевосита конференциялар ва умумий йиғилишларида сайланадилар.

6.4. Касаба уюшмаси қўмитаси раисини ва унинг ўринбосарларини ўз хоҳишига кўра эгаллаб турган лавозимидан озод этиш тўғрисидаги қарор касаба уюшмаси қўмитаси йиғилиши томонидан қабул қилинади. Бу ҳолатда, касаба уюшмаси қўмитаси раиси вазифасини касаба уюшмаси конференциясига қадар бажариш касаба уюшмаси қўмитаси раиси ўринбосари (касаба уюшмаси қўмитаси аъзоси)дан бирига топширилади.

6.5. Касаба уюшмаси органлари аъзолари сайлови ўтказилганда, бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз тўплаган номзод сайланган ҳисобланади.

6.6. Касаба уюшмаси, сайлаб қўйиладиган касаба уюшмаси раҳбар органи аъзоларининг ярмидан кўп қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади. Делегатларнинг 2/3 дан ортиқ қисми иштирок этган конференция қонуний ҳуқуққа эга ҳисобланади. Иштирок этаётган делегатлар, иштирокчилар, сайлаб қўйиладиган орган аъзоларининг ярмидан кўпи овоз берган умумий йиғилиш, конференция ва сайлаб қўйиладиган органлар мажлисларининг қарорлари қабул қилинган ҳисобланади. Овоз бериш шакли конференция делегатлари, умумий йиғилиш иштирокчилари, сайлаб қўйиладиган касаба уюшмаси органи аъзолари томонидан белгиланади.

6.7. Касаба уюшмаси бошланғич ташкилот қўмитаси, барча даражадаги сайлаб қўйиладиган касаба уюшмаси органи йиғилишлари заруратга қараб, лекин ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади.

VII . КАСАБА УЮШМАСИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРИ

7.1. Касаба уюшмасининг бошланғич ташкилоти бир ёки бир нечта иш берувчида ишлайдиган ёки тегишли таълим муассасида ўқийдиган касаба уюшмаси аъзоларининг тегишли касаба уюшмаси устави асосида фаолият кўрсатадиган ихтиёрий бирлашмаси.

Касаба уюшманинг бошланғич ташкилоти, корхоналар, муассасалар, ўқув yurtлари ва ташкилотларда, касаба уюшмасининг камида 3 нафар аъзоси мавжуд бўлганда ташкил этилади.

Касаба уюшманинг бошланғич ташкилотини ташкил этиш тўғрисидаги қарор касаба уюшмасининг тегишли ташкилотдаги аъзоларининг таъсис йиғилишида (конференцияда) қабул қилинади ва тасдиқланади.

7.2. Касаба уюшманинг бошланғич ташкилоти мазкур Уставга амал қилади.

Касаба уюшмаси бошланғич ташкилоти, жумладан унинг сайланма органларининг амалдаги қонунчилик, касаба уюшмаси Устави, касаба уюшмаси Кенгаши қарорларига зид бўлган қарорлари юқори касаба уюшмаси ташкилоти томонидан бекор қилиниши мумкин.

7.3. Касаба уюшманинг бошланғич ташкилоти корхона, муассасаларнинг ишлаб чиқариш тузилишига қараб, ўз тузилмаси масаласини мустақил белгилайди. Касаба уюшмаси бошланғич ташкилоти қўмитасининг қарори билан корхонанинг таркибий бўлинмаларида касаба уюшмаси бўлинмалари (цех) ташкилотлари тузилиши мумкин.

7.4. Касаба уюшмаси бошланғич ташкилотининг раҳбар органлари қуйидагилар:

- умумий йиғилиш, конференция;
- касаба уюшмаси қўмитаси.

Умумий йиғилишларини чақириш имкони бўлмаган касаба уюшмаси бошланғич ташкилотлари, заруратга қараб, лекин йилига камида бир мартаба конференциялар ўтказиши мумкин.

Конференцияга вакиллик меъёри, сайланган делегатларнинг ваколатлари конференцияни чақираётган бошланғич ташкилотининг қўмитаси қарори томонидан тасдиқланади.

Бошланғич ташкилот раҳбар органи касаба уюшмаси ташкилотининг тузилмаси ва вазифаларини белгилайди.

7.5. Бошланғич ташкилотининг умумий йиғилиши (конференцияси):

- 7.5.1. касаба уюшмасини ташкил этиш ва тугатиш ҳақида қарор қабул қилиш;
- 7.5.2. бошланғич ташкилотининг мақсади ва фаолиятининг устувор йўналишларини белгилайди;
- 7.5.3. жамоа шартномаси бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тинглаш, таҳлил қилиш, жамоа шартномаси бажарилишига баҳо бериш ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

- 7.5.4. касаба уюшмасининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тинглаш, таҳлил қилиш, касаба уюшмасининг фаолиятига баҳо бериш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш;
- 7.5.5. касаба уюшмаси қўмитаси аъзоларини беш йил муддатга сайлаш;
- 7.5.6. касаба уюшмаси қўмитаси раисини (раис ўринбосарини) беш йил муддатга сайлаш;
- 7.5.7. кун ва иш тартибини ҳамда қарорлар қабул қилиш тартибини белгилаш;
- 7.5.1. жорий ишларни олиб бориш учун сайланма органларини сайлайди;
- 7.5.2. белгиланган вакиллик меъёрига мувофиқ юқори ташкилотларнинг конференцияларига делегатларни сайлайди, касаба уюшманинг юқори органлари таркибига ўз вакилларининг номзодларини кўрсатади.

7.6. Умумий йиғилишлар ва конференциялар оралиғидаги даврда касаба уюшмаси бошланғич ташкилотининг раҳбар органи касаба уюшмаси қўмитаси бўлиб, у:

- 7.6.1. бошланғич ташкилот бўлинмалари (цех) касаба уюшмаси қўмитаси (касаба уюшмаси ташкилотчиси) фаолиятини йўналтиради ва назорат қилади;
- 7.6.2. жамоа шартномасини бажарилишини назорат қилади;
- 7.6.3. меҳнатга ҳақ тўлаш тизими, моддий рағбатлантириш шакллари, меҳнат ва дам олиш меъёрларини иш берувчи билан келишади;
- 7.6.4. иш вақти, ишлаш режими, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигининг локал актлари ҳамда меҳнат муносабатларини тартибга соладиган бошқа меъёрий ҳужжатларнинг амалда қўлланилишини келишади;
- 7.6.5. умумий йиғилишини ёки конференцияни чақириш тўғрисида қарор қабул қилади, унга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш юзасидан зарур чора-тадбирларни белгилайди;
- 7.6.6. умумий йиғилиши ёки конференцияда ўзининг фаолияти ҳақида ҳисобот беради;
- 7.6.7. касаба уюшмаси бошланғич ташкилоти қўмитаси комиссияларини тузади ва уларнинг ишини ташкиллаштиради;
- 7.6.8. касаба уюшмаси аъзоларига моддий ёрдам кўрсатиш, касаба уюшмаси фаолларини рағбатлантириш, шунингдек, амалдаги қонунчиликка мувофиқ касаба уюшмаси бошланғич ташкилоти қўмитасининг фаолиятига боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқади;
- 7.6.9. меҳнаткашларга кўрсатилаётган маданий-маиший хизматлар сифатини оширишга эришади, улар орасида маданий-маърифий ва тарбиявий ҳамда оммавий спортни тарғиб қилиш ишларни олиб боради;
- 7.6.10. умумий йиғилишлар (конференциялар), юқори касаба уюшмаси органларининг қарорлари ижросини таъминлайди;
- 7.6.11. меҳнат муҳофазасига йўналтирилган маблағларни шакллантириш ва ишлатилишида бевосита иштирок этади;
- 7.6.12. амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни амалга оширишда иштирок этади.

7.7. Корхона касаба уюшмаси қўмитаси раиси бошланғич ташкилотнинг сайлаб қўйиладиган раҳбар органлари ишига раҳбарлик қилади, бошланғич ташкилоти коллегиял органларининг қарорлари қабул қилинаётганда овозлар тенг

бўлган тақдирда касаба уюшмаси кўмитаси раиси берган овоз ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

7.8. Бошланғич касаба уюшмаси кўмитаси ўз фаолиятини амалга ошириш учун касаба уюшмаси умумий йиғилишида (конференцияда) қуйидагилар беш йил муддатга сайланади;

- 15 нафаргача касаба уюшмаси аъзоларини бирлаштирган касаба уюшмаси бошланғич ташкилотида – касаба уюшмаси ташкилотчиси, зарур ҳолларда унинг ўринбосари;

- 15 нафар ва ундан ортиқ касаба уюшмаси аъзоларини бирлаштирган касаба уюшмаси бошланғич ташкилотида – касаба уюшмаси бошланғич ташкилоти кўмитаси.

7.9. Умумий йиғилиш (конференция)ни чақириш, кун тартиби, конференция чақирилганда эса вакиллар меъёри тўғрисидаги қарорни бошланғич ташкилот касаба уюшмаси кўмитаси (касаба уюшмаси ташкилотчиси) 10 кун аввал эълон қилади.

7.10. Бошланғич ташкилоти ташкилотчиси, бошланғич ташкилоти касаба уюшмаси кўмитаси муддатидан олдин сайлови касаба уюшмаси бошланғич ташкилотидаги касаба уюшмаси аъзоларининг камида 1/3 қисмининг талабига ёки юқори касаба уюшмаси раҳбар органининг қарорига биноан, шунингдек бошланғич ташкилоти касаба уюшмаси ташкилотчиси, бошланғич ташкилоти касаба уюшмаси кўмитасининг ўз ташаббуси билан ўтказилиши мумкин.

Корхона, ташкилот ёки муассасада мулкчилик шакли ўзгарган тақдирда, бошланғич ташкилотнинг касаба уюшмаси кўмитаси аввал ҳаракатда бўлган кўмитанинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади ва ўз ҳуқуқий мақомини сақлаб қолган ҳолда фаолият кўрсатишни давом эттиради.

7.11. Бошланғич ташкилотининг фаолияти мазкур касаба уюшмаси ташкилоти умумий йиғилиши (конференция) қарори ва касаба уюшмаси Кенгаши қарори билан тугатилади.

7.12. Касаба уюшмаси таркибидан чиқиш тўғрисида қарор касаба уюшмасини камида бир ой олдин огоҳлантирилгандан сўнг, бошланғич ташкилотининг умумий йиғилиши (конференцияси)да қабул қилиниши мумкин.

7.13. Касаба уюшмаси таркибидан чиқиш тўғрисидаги қарор касаба уюшмаси Кенгаши томонидан тасдиқлангунга қадар бошланғич ташкилоти мазкур Устав талабларини бажаришга мажбур.

7.14. Касаба уюшмаси Уставини, касаба уюшмаси раҳбар органлари қарорларини бажармаган, касаба уюшмасига белгиланган ажратмаларни тўламайдиган касаба уюшмаси бошланғич ташкилоти касаба уюшмаси Кенгаши қарорига биноан касаба уюшмаси таркибидан чиқарилиши мумкин.

7.15. Бошланғич ташкилотни касаба уюшмаси таркибидан чиқариш ҳақидаги муурожаати (умумий йиғилиши, конференция қарори) касаба уюшмаси Кенгаши томонидан бир ой муддат ичида кўриб чиқилади.

VIII. КАСАБА УЮШМАСИНИНГ РАҲБАР ОРГАНЛАРИ

8.1. Касаба уюшмасининг раҳбар органлари:

касаба уюшма конференцияси	-	касаба уюшмасининг олий раҳбар органи;
касаба уюшма Кенгаши	-	касаба уюшмасининг доимий харакатидаги раҳбар органи;
касаба уюшма Кенгаши раёсати	-	касаба уюшмаси фаолиятига жорий раҳбарликни амалга оширувчи ижроия органи;
касаба уюшмаси раиси	-	фаолиятини яккабошчилик асосида амалга оширувчи ижро органи;
назорат-тафтиш комиссияси	-	касаба уюшмасининг назорат органидир.

8.2. касаба уюшмаси конференцияси беш йилда бир марта ўтказилади. Конференция касаба уюшмаси Кенгашининг қарорига биноан чақирилади. Уни чақириш, вакиллик меъёри ва кун тартиби тўғрисида Конференция ўтказиладиган кундан камида икки ой олдин эълон қилинади.

Касаба уюшмасининг навбатдан ташқари конференцияси касаба уюшмаси Кенгаши томонидан ёки касаба уюшмаси аъзоларининг камида учдан бир қисмининг талабига биноан чақирилади.

Касаба уюшмасининг навбатдан ташқари конференциясни чақириш, вакиллик меъёри ва кун тартиби тўғрисидаги қарори унинг ўтказилишидан камида бир ой олдин эълон қилинади.

8.3. Касаба уюшмаси конференциясида иштирок этиш учун сайланган делегатларнинг учдан икки қисми қатнашаётган бўлса, конференция ваколатли ҳисобланади.

8.4. Касаба уюшмаси конференциясининг кун тартибида кўриладиган масала юзасидан конференцияда иштирок этаётган делегатларнинг ярмидан кўпи овоз берган тақдирда, конференция қарорлари қабул қилинган ҳисобланади. Конференция қарорларини қабул қилишда овоз бериш тартиби унинг делегатлари томонидан белгиланади.

8.5. Конференция қарорлари қарорлар шаклида қабул қилинади ва яқуни бўйича баённомалар расмийлаштирилади.

8.6. Касаба уюшмаси конференцияси ваколатига:

- 8.6.1. касаба уюшмасини ташкил этиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва фаолиятни тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилиш;
- 8.6.2. Устав ва дастурий ҳужжатларни қабул қилиш, шунингдек уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
- 8.6.3. касаба уюшмаси фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- 8.6.4. жамоа шартномаси бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тинглаш, таҳлил қилиш, жамоа шартномаси бажарилишига баҳо бериш ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилиш;
- 8.6.5. касаба уюшмасининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тинглаш, таҳлил қилиш, касаба уюшмасининг фаолиятига баҳо бериш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш;
- 8.6.6. касаба уюшмаси Кенгаши ва назорат-тафтиш комиссиясининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни тинглаш, таҳлил қилиш ва фаолиятига баҳо бериш, ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилиш;
- 8.6.7. касаба уюшмаси Кенгаши ва назорат-тафтиш комиссияси аъзоларини беш йил муддатга сайлаш;
- 8.6.8. касаба уюшмаси Кенгаши раисини беш йил муддатга сайлаш;
- 8.6.9. касаба уюшмаси назорат-тафтиш комиссияси раисини сайлаш;
- 8.6.10. конференция кун тартиби ва иш олиб бориш тартибини ҳамда қарорлар қабул қилиш тартибини белгилаш;
- 8.6.11. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қурултойларига делегатларни сайлаш, белгиланган меъёрга мувофиқ Федерация Кенгаши таркибига ўз вакилларини сайлаш киради.

8.7. Касаба уюшмаси конференциясига делегат этиб сайланмаган касаба уюшмаси Кенгаши ва назорат-тафтиш комиссияси аъзолари унинг ишида овоз бериш ҳуқуқисиз иштирок этадилар.

8.8. Конференциялар оралиғида навбатдан ташқари конференцияни чақириш ва унда кўриб чиқиш учун белгиланган асосларга кўра, шу жумладан, қонун талаблари, мазкур Устав қоидалари, касаба уюшмаси органлари қарорларини бузган ҳолларда, касаба уюшмаси Кенгаши раисининг ваколатини муддатдан олдин тўхтатиш ва лавозимдан озод этиш тўғрисида масала киритиш ҳақидаги қарор аъзо ташкилотларнинг камида учдан икки қисмининг талабига кўра, касаба уюшмаси Кенгашининг йғилишида қабул қилиниши мумкин.

Касаба уюшмаси Кенгаши раисини ва унинг ўринбосарларини ўз хоҳишига кўра эгаллаб турган лавозимидан озод этиш тўғрисидаги қарор касаба уюшмаси Кенгаши мажлиси томонидан қабул қилинади. Бу ҳолатда, касаба уюшмаси Кенгаши раиси вазифасини касаба уюшмаси конференциясига қадар бажариш касаба уюшмаси Кенгаши раиси ўринбосарларидан бирига топширилади.

8.9. Касаба уюшмаси конференциялари оралиғидаги даврда касаба уюшмасининг раҳбар органи касаба уюшмаси Кенгаши ҳисобланади.

Касаба уюшмаси Кенгаши ўз таркибидан раис (агарда у конференцияда сайланган бўлмаса) ва унинг ўринбосарларини беш йил муддатга сайлайди. Касаба уюшмаси Кенгаши раиси ва унинг ўринбосарлари Кенгаш олдида ҳисоб берадилар.

Касаба уюшмаси Кенгаши мажлислари заруриятига қараб, лекир бир йилда камида икки маротаба ўтказилади ва Кенгаш аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этганда ваколатли ҳисобланади. Кенгаш қарори йғилишда қатнашаётган аъзоларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Касаба уюшмаси Кенгашининг хулосалари қарор шаклида қабул қилинади ва якуни бўйича баённомалар расмийлаштирилади.

Касаба уюшмаси Кенгаши мажлисларини касаба уюшмаси Кенгаши раиси, у бўлмаган вақтларда эса унинг ўринбосарларидан бири олиб боради.

8.10. Касаба уюшмаси Кенгаши ваколатига:

- 8.10.1. Уставда белгиланган вазифаларни ва касаба уюшмаси Конференциясининг қарорларини бажарилишини таъминлаш;
- 8.10.2. ходимларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқларига тааллуқли бўлган, жумладан, ходимларнинг бандлиги, меҳнат муносабатларини тартибга солиш, иш ҳақи, меҳнат шароитлари ва муҳофазаси, соғлиги, атроф муҳит, уй-жой, маиший ва маданий хизмат кўрсатиш, ижтимоий кафолатлар масалаларини жамоа шартномасида қайд этилиши бўйича фаолият олиб бориш ва таклифлар ишлаб чиқиш;
- 8.10.3. касаба уюшмаси Кенгаши раиси ўринбосарларини, зарур ҳолларда, Кенгаш раисини сайлаш, эгаллаб турган лавозимларидан озод этиш;
- 8.10.4. кейинчалик конференцияда тасдиқлаш шарти билан касаба уюшмаси Уставига ва дастурий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;
- 8.10.5. иш берувчи билан жамоа музокараларини олиб борган ҳолда, битимлар тузиш ва уларнинг бажарилишини ташкил этиш;
- 8.10.6. касаба уюшмаси Кенгаши раёсатининг сон жиҳатдан таркибини белгилаш ва шакллантириш;
- 8.10.7. сайлаб қўйиладиган раҳбар органи аъзоларига қўшимча кафолатлар белгилаш;
- 8.10.8. давлат, хўжалик органлари, иш берувчилар ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро муносабатларда касаба уюшмасининг фаолият доирасини белгилаш;
- 8.10.9. Уставда белгиланган мақсад ва вазифаларга мувофиқ равишда Ўзбекистон Республикасидаги ва чет эл мамлакатларининг касаба уюшмалари билан ҳамкорликни амалга ошириш;
- 8.10.10. касаба уюшмаси конференциясини чақириш, делегатлар сайлаш тартиби, вакиллар сони ва конференциянинг кун тартиби тўғрисида қарор қабул қилиш, конференция ўтказиладиган сана ва жойини белгилаш;
- 8.10.11. касаба уюшмаси бошланғич ташкилотлар фаолиятига раҳбарлик қилиш, йўналтириш ва назорат қилиш;
- 8.10.12. маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт, дам олдириш ва соғломлаштириш ишлари билан шуғулланувчи ташкилотлар фаолиятини йўналтириш;

- 8.10.13. касаба уюшмаси бошланғич ташкилотлари ўртасидаги низоларни кўриб чиқиш;
- 8.10.14. касаба уюшмаси Уставида назарда тутилган вазифаларни бажарилишини таъминлаш мақсадида комиссиялар тузиш;
- 8.10.15. касаба уюшмаси ташкилотлари унга ваколат берган бошқа вазифаларни амалга ошириш;
- 8.10.16. касаба уюшмаси Кенгаши фаолияти тўғрисида конференцияга ҳисобот бериш, меҳнат жамоаси номидан иш берувчи билан меҳнат жамоаси конференциясида маъқулланган жамоа шартномасини тузиш, унинг бажарилишини назорат қилиш киради.
- Уставга зид бўлмаган бошқа масаларни ҳал этади.

8.11. Кенгаш мажлислари оралиғида унинг раёсати раҳбарлик фаолиятини амалга оширади, у Кенгаш ваколоти муддатига сайланади.

Касаба уюшмаси Кенгаши раёсати таркибига лавозимига кўра касаба уюшмаси раиси ва унинг ўринбосарлари киради. Кенгаш раёсатининг бошқа аъзолари касаба уюшмаси Кенгаши мажлисида Кенгаш аъзоларидан сайланади.

Касаба уюшмаси Кенгаши раёсати мажлислари заруриятга қараб, лекин ҳар чоракда камида бир мартаба ўтказилади.

Касаба уюшмаси Кенгаши раёсати мажлисларини касаба уюшмаси Кенгаши раиси, у бўлмаган вақтларда эса унинг ўринбосарларидан бири олиб боради.

Кенгаш раёсати мажлислари унинг ишида раёсат аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Кенгаш раёсати қарорлари, уларда қатнашаётган раёсат аъзоларининг ярмидан кўпи овоз берганда қабул қилинган ҳисобланади.

Раёсат мажлисларида муҳокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинади ва якуни бўйича баённомалар расмийлаштирилади.

8.12. Касаба уюшмаси Кенгаш раёсати ваколатлари:

- 8.12.1. касаба уюшмаси бошланғич ташкилотини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;
- 8.12.2. касаба уюшмасининг молиявий фаолиятини амалга оширади, ташкилий тузилмасини белгилайди;
- 8.12.3. даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлайди, касаба уюшмаси мол-мулкани ва пул маблағларини тақсимлайди, уларни тақсимлашни меъёрий ҳужжатлар асосида белгиланган тарбида амалга оширади ва қарорлар қабул қилади;
- 8.12.4. касаба уюшмаси Кенгаши мажлислари оралиғида касаба уюшмаси фаолиятини бошқаради ва бажарилган ишлар тўғрисида бир йилда камида бир мартаба мажлисда ахборот беради;
- 8.12.5. касаба уюшмаси Кенгаши мажлисида муҳокама қилинадиган масалалар бўйича материалларни тайёрлайди, тақдим этади ва қабул қилинган конференция, Кенгаш қарорлари ижросини назорат қилади;

- 8.12.6. касабa уюшмасининг санаторий-курорт, жисмоний-тарбия ва спорт, соғломлаштириш, маданий-маърифий муассасалари фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди;
- 8.12.7. мулк шаклидан қатъий назар, давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ёки манфаатларини камситувчи ва қонун ҳужжатларига зид бўлган қарорларини бекор қилиниши, бажарилиши тўхтатиб турилиши ёки ўзгартирилишига эришади;
- 8.12.8. касабa уюшмаси аъзоларига тиббий хизмат кўрсатиш, меҳнат, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ва касабa уюшмаси аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, шунингдек жамоа шартномасининг бажарилишига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб боради;
- 8.12.9. касабa уюшмасининг иш тартиби (регламенти)ни тасдиқлайди;
- 8.12.10. касабa уюшмаси бошланғич ташкилотлари томонидан тақдим этиладиган статистик ҳисоботлар шаклларини, ҳисобот ва маълумотлар тақдим этиш даврийлигини белгилайди;
- 8.12.11. касабa уюшмасининг Фахрий ёрлиғи ва у тўғрисидаги тегишли Низомни тасдиқлайди;
- 8.12.12. касабa уюшмаси органлари аппарати ва тасарруфдаги ташкилотлар ходимларини шаҳодат синовидан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади;
- 8.12.13. касабa уюшмаси Кенгаши раёсати аъзолари вазифаларини тақсимлайди;
- 8.12.14. касабa уюшмаси тузилмаларида ҳисобот йўғилишларини ўтказиш муддатларини мувофиқлаштиради;
- 8.12.15. иш режасига биноан ёки заруратга қараб касабa уюшмаси бошланғич ташкилотлар ва тасарруфдаги ташкилотларнинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни тинглайди;
- 8.12.16. касабa уюшмасининг иш режасини тасдиқлайди;
- 8.12.17. касабa уюшмаси органлари қарорлари ижросини таъминлаш тўғрисида касабa уюшмаси бошланғич ташкилотлари раисларининг ҳисоботларини эшитади;
- 8.12.18. касабa уюшмаси бошланғич ташкилотлари томонидан касабa уюшмасининг Устави, касабa уюшмаси раҳбар органлари қарорлари ижросини таъминланмаган, аъзолик бадалларини ўз вақтида ва тўлиқ тўланмаган ҳолатларда ушбу ташкилотларга хизмат кўрсатишни тўхтатиш тўғрисида қарорлар қабул қилиши мумкин;
- 8.12.19. чет эл касабa уюшмалари билан алоқаларни ўрнатади;
- 8.12.20. жамоа шартномасини тузиш бўйича иш берувчи билан ходимлар номидан музокаралар олиб боради;
- 8.12.21. меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ишларини ташкиллаштиради, маданий-оммавий, жисмоний тарбия ва спорт бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишларни ташкиллаштиради;
- 8.12.22. касабa уюшмаси бошланғич ташкилотлар томонидан қўйилаётган ҳимоя талабларини давлат ҳокимияти органларида қўллаб-қувватлайди, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишда қонунчиликда назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланади;
- 8.12.23. касабa уюшмаси бошланғич ташкилотларнинг тақдимномасига асосан касабa уюшмаси ходимлари ва фаолларини давлат мукофотлари билан

тақдирлаш, уларга фахрий унвонлар бериш тўғрисидаги илтимосномалар тайёрлайди;

- 8.12.24. касаба уюшмаси бошланғич ташкилотлар таклифларига асосан, касаба уюшмаси бошланғич ташкилотлар раҳбар лавозимларига захиралар тайёрлаш ишларини ташкиллаштиради;
- 8.12.25. касаба уюшмаси Кенгаш раисига айрим ваколатларни беради;
- 8.12.26. касаба уюшмаси Кенгаши ваколат берган бошқа вазифаларни бажаради.

8.13. Касаба уюшмаси раиси. Касаба уюшмаси раиси касаба уюшмасига раҳбарлик қилади, бир вақтнинг ўзида касаба уюшмаси Кенгаши ва Кенгаш раёсати раиси ҳам ҳисобланади.

Касаба уюшмаси раиси этиб мазкур касаба уюшмасига камида беш йил аъзо бўлган касаба уюшмасининг аъзоси сайланиш ҳуқуқига эга.

Касаба уюшмаси раиси конференция томонидан беш йил муддатга сайланади. Конференциялар оралиғида зарурат туғилганда касаба уюшмаси Кенгаши вақтинча касаба уюшмаси Кенгаши раисини сайлайди.

8.14. Касаба уюшмаси раиси:

- 8.14.1. касаба уюшмасининг Устав бўйича вазифалари, шунингдек касаба уюшмасининг раҳбар органлари қарорларининг бажарилишини ташкил этади, ижросини назорат қилади ва унинг олдида ҳисобдордир;
- 8.14.2. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, иш берувчилар, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ташкилотларда, шунингдек хорижий ва халқаро ташкилотларда касаба уюшмаси номидан вакил сифатида қатнашади;
- 8.14.3. касаба уюшмаси номидан ишончномасиз иш олиб боради;
- 8.14.4. касаба уюшмаси фаолиятининг барча йўналишлари бўйича ишларни умумлаштиради ва таҳлил қилади;
- 8.14.5. хўжалик органлари раҳбариятидан уларнинг қонун ҳужжатларига зид бўлган ва меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини поймол қилувчи қарорларини бекор қилиш, ижросини тўхтатиш ёки ўзгартиришни талаб қилади;
- 8.14.6. зарур ҳолларда касаба уюшмаси номидан баёнотлар беради, мурожаатнома ва тақдимномалар юборади;
- 8.14.7. меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича иш берувчи томонидан қабул қилинаётган қарорлар ва бошқа локал ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, кўриб чиқиш ва экспертизадан ўтказишда касаба уюшмасининг иштирокини таъминлайди;
- 8.14.8. белгиланган тартибда касаба уюшмаси билан келишиш учун киритилган қарорлар ва бошқа локал ҳужжатларни имзолайди;
- 8.14.9. ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришга йўналтирилаётган маблағлардан, шунингдек маънавият, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини ташкил этади ҳамда назорат қилади, касаба уюшмасининг молиявий хўжалик фаолиятини таъминлайди;
- 8.14.10. касаба уюшмаси раиси ўринбосарларини сайлаш ёки лавозимидан озод этиш бўйича касаба уюшмаси Кенгашига таклифлар киритади;

- 8.14.11. касаба уюшмаси номидан ишончнома беради;
- 8.14.12. касаба уюшмасининг сайлаб қўйиладиган раҳбар органлари – касаба уюшмаси Кенгаши ва Кенгаш раёсатининг ишига раҳбарлик қилади, улар томонидан қарорлар қабул қилишда овозлар тенг бўлиб қолган ҳолларда, касаба уюшмаси раиси берган овоз ҳал қилувчи деб ҳисобланади;
- 8.14.13. касаба уюшмаси Кенгаши раёсатини чақиради, муҳокама қилинадиган масалалар юзасидан мажлисга материаллар тайёрланишини ташкиллаштиради, раёсат мажлисига масалаларни киритади, қабул қилинган қарорлар ижросини таъминланишини назорат қилади;
- 8.14.14. касаба уюшмаси Кенгаши аппарати фаолиятига бевосита раҳбарлик қилади;
- 8.14.15. мазкур Уставда белгиланган ваколати доирасида фармойишлар чиқаради;
- 8.14.16. касаба уюшмаси номидан хўжалик ва бошқа турдаги шартномалар тузади ва имзолайди;
- 8.14.17. қонун ҳужжатларига мувофиқ касаба уюшмаси Кенгаши аппарати ва касаба уюшмасига қарашли ташкилотларнинг ички меҳнат тартиби қоидаларини тасдиқлайди;
- 8.14.18. касаба уюшмаси Кенгаши аппаратини шакллантиради, Кенгаш аппарати ва тизимидаги ташкилотлар ходимлари билан меҳнат шартномаси тузади, ўзгартиради ҳамда бекор қилади, ходимнинг вазифаларини белгилайди, уларни рағбатлантиради ва уларга нисбатан интизомий таъсир чораларни қўллайди;
- 8.14.19. касаба уюшмаси конференцияси, касаба уюшмаси Кенгаши мажлиси ва Кенгаш раёсатининг қарорларини, шунингдек ходимлар номидан жамоа шартномасини ҳамда иш берувчи ва касаба уюшмаси Кенгаши раёсатининг қўшма қарорларини имзолайди;
- 8.14.20. ишлаб чиқаришга тааллуқли ва ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаган фаолияти билан боғлиқ бўлган локал актлар бўйича келишувга эришади;
- 8.14.21. касаба уюшмасининг сайлаб қўйиладиган раҳбар органлари томонидан унга ваколат берилган бошқа вазифаларни бажаради.

8.15. Мазкур Устав бўйича юқори турувчи орган қарор қабул қилиш давомида бўйсунув бўйича қуйи турувчи орган ваколатларига доир масалаларни ҳам ҳал этиши мумкин.

Шу муносабат билан, юқори турувчи орган бўйсунув бўйича қуйи турувчи органнинг, юқори турувчи касаба уюшмаси ташкилоти эса қуйи турувчи касаба уюшмаси ташкилотининг қонун ва мазкур Устав талабларига зид қарорларини қайта кўриб чиқиш учун тегишли орган ёки ваколатли шахсга юбориши, коллегиял органлар ваколатига доир масалалар юзасидан эса унинг навбатдан ташқари йиғилишини белгиланган тартибда чақириши мумкин.

Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда қуйи турувчи орган ёки касаба уюшмаси ташкилотининг қонун ва Устав талабларига зид қарорлари юқори турувчи орган ёки касаба уюшмаси ташкилоти томонидан қисман ёки тўлиқ бекор қилиниши мумкин.

8.16. Касаба уюшмаси Кенгаши аппарати.

Касаба уюшмаси органлари мақсадлари ва вазифаларини амалга ошириш учун шакллантирилади ва доимий асосда фаолият юритади.

Касаба уюшмаси Кенгаши аппарати ўз фаолиятини Кенгаш Раёсати томонидан тасдиқланган регламент асосида амалга оширади.

8.17. Касаба уюшмаси Кенгаши аппарати:

- 8.17.1. ходимларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқларига доир, жумладан, меҳнат муносабатларини тартибга солиш, иш ҳақи, меҳнат шароити, ходимларнинг меҳнатини, соғлигини ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, уй-жой ва маиший турмуш шароити, маданий хизмат кўрсатиш, ходимларнинг ижтимоий кафолатлари масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва уларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаш юзасидан фаолият олиб боради;
- 8.17.2. касаба уюшмаси кўмитаси ва унга аъзо ташкилотлар билан доимий алоқада бўлади, Республиканинг бошқа касаба уюшмалари ташкилотлари, шунингдек халқаро ташкилотлар билан алоқаларни ривожлантиради, уларнинг иш тажрибасини ўрганади, шунингдек касаба уюшмаси фаолиятида тарғиб қилади;
- 8.17.3. касаба уюшмаси кўмитаси ва унга аъзо ташкилотларнинг касаба уюшмалари умумий вазифаларини бажариш борасидаги ҳаракатларини бирлаштиради ва мувофиқлаштиради;
- 8.17.4. ўз ваколатлари доирасида касаба уюшмаси кўмитаси ва унга аъзо ташкилотларнинг касаба уюшмаси фаолиятига тегишли барча йўналишлардаги ишларини ташкил қилади, йўналтиради ва уларга амалий ёрдам беради;
- 8.17.5. давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва ташкилотлар билан биргаликда санаторий-курортларда даволашни, болаларни соғломлаштириш ва дам олдиришни, маданият, дам олиш, туризм, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларини ривожлантириш чораларини кўради;
- 8.17.6. қонунда касаба уюшмаларига берилган ҳуқуқлар ҳамда касаба уюшмаси раҳбар органлари берган ваколатлар доирасида бошқа вазифаларни амалга оширади.

IX. КАСАБА УЮШМАСИНИНГ НАЗОРАТ-ТАФТИШ КОМИССИЯСИ

9.1. Назорат-тафтиш комиссияси касаба уюшмасининг назорат органи бўлиб, касаба уюшмаси тизимида меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, касаба уюшмаси Устави, касаба уюшмаси органлари қарорлари ижросини текширади, тафтишдан ўтказади ва назорат қилади.

9.2. Назорат-тафтиш комиссияси ўз фаолиятини мустақил равишда амалга оширади ва фақат уни сайлаган конференцияга бўйсунди ҳамда сайлаб қўйиладиган касаба уюшмаси органи билан бир вақтда ўз фаолияти ҳақида конференцияда ҳисобот беради.

9.3. Назорат-тафтиш комиссияси ўз мажлисида раис ўринбосарини сайлайди, комиссиянинг иш режасини тасдиқлайди, комиссия аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди, иш тартибини белгилайди.

9.4. Назорат-тафтиш комиссияси томонидан назорат қилинадиган, касаба уюшмаси органларига сайланган ва ушбу касаба уюшмаси органи аппаратининг ходими ҳисобланувчи шахслар назорат-тафтиш комиссияси аъзолари бўла олмайдилар. Назорат-тафтиш комиссияси аъзоларини таркибдан чиқариш, уларнинг ўрнига янгиларини сайлаш ҳақидаги масалалар касаба уюшмаси Кенгаши ва назорат-тафтиш комиссиясининг қўшма мажлисида кўриб чиқилади.

Қўшма мажлисда иштирок этаётган Кенгаш аъзолари ва назорат-тафтиш комиссияси аъзоларининг 2/3 қисми ёқлаб овоз берган тақдирда қарор қабул қилинган ҳисобланади.

Назорат-тафтиш комиссиясининг аъзолари касаба уюшмаси органларининг мажлисларида овоз бериш ҳуқуқисиз иштирок этадилар.

9.5. Назорат-тафтиш комиссияси:

- 9.5.1. касаба уюшмасининг Уставига риоя қилиниши, конференциялар қарорларининг бажарилиши, касаба уюшмаси ва ижтимоий суғурта бюджети сметаларини бажариш, бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботларининг тўғри юритилиши устидан назоратни амалга оширади;
- 9.5.2. касаба уюшмаси Кенгаши, унинг тасарруфидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилади, хўжалик фаолиятининг ҳужжатли тафтишини ўтказди. Зарур ҳолларда, молиявий-хўжалик фаолияти, бириктирилган умумкасаба уюшмасининг мулки, молия маблағларидан самарали фойдаланиш устидан текширув ва тафтишни амалга оширади;
- 9.5.3. касаба уюшмаси бошланғич ташкилотларнинг раҳбар органлари қарорлари устидан тушган шикоятларни кўриб чиқади, чоралар кўриш учун тегишли касаба уюшмаси органини хабардор қилади;
- 9.5.4. меҳнаткашларнинг комиссия номига йўллаган таклифлари, аризалари ва шикоятларини кўриб чиқади.

9.6. Назорат-тафтиш комиссиясининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

- 9.6.1. барча касаба уюшмаси органларидан иш режалари, баёнлар, қарорлар, бухгалтерлик ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларнинг асл нусхаларини олиш, зарур ҳолларда эса қарши текширувлар ўтказиш;
- 9.6.2. тафтиш ўтказиш жараёнида юзага келадиган масалалар бўйича мансабдор ва бошқа шахслардан ёзма тушунтиришлар, керакли маълумотномалар тақдим қилинишини талаб қилиш;
- 9.6.3. тафтиш ва текширувлар ўтказиш учун касаба уюшмаси фаоллари, касаба уюшмаси органларининг ходимлари ҳамда малакали мутахассислар, экспертларни жалб қилиш;
- 9.6.4. ҳужжатларни тақдим этишдан бош тортиш, комиссия томонидан тафтиш ўтказилишига қаршилик кўрсатиш ёки унинг ишига тўсқинлик қилувчи

бошқа ҳаракатлар содир этилган ҳолларда, юқори касаба уюшмаси органидан масъул шахсга нисбатан эгаллаб турган лавозимидан озод қилинишигача бўлган чоралар кўрилишини талаб қилиш.

9.7. Назорат-тафтиш комиссиясининг аниқланган камчиликлар ва қоидабузарликларни бартараф этиш ҳақидаги таклифлари тафтишдан ўтказилаётган касаба уюшмаси органи, касаба уюшмаси муассасаси ёки корхонаси учун мажбурий ҳисобланади ва улар бир ойлик муддатда тафтиш материалларини кўриб чиқишлари ва кўрилган чоралар ҳақида комиссияга хабар беришлари лозим.

Маблағлар, моддий бойликлар ўғирланганлиги ҳақида фактлар ва бошқа суистеъмоллик ҳолатлари аниқланган тақдирда, назорат-тафтиш комиссияси тафтиш ва текширув материалларини юқори касаба уюшмаси органига юборади.

9.8. Назорат-тафтиш комиссиясининг ишлаш тартиби:

- 9.8.1. комиссия мажлислари заруратга қараб, лекин йилига камида бир марта ўтказилади;
- 9.8.2. комиссия мажлислари унинг ишида аъзоларининг ярмидан кўп қисми иштирок этса, ваколатли ҳисобланади;
- 9.8.3. қарор очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади ва комиссия аъзоларининг ярмидан кўпи овоз берса қарор қабул қилинган ҳисобланади;
- 9.8.4. комиссия тасдиқланган йиллик режа асосида ишлайди, зарур ҳолларда эса бир чоракда бир марта текшириш ва тафтишлар ўтказилиб турилади.

Х. КАСАБА УЮШМАСИНИНГ МАБЛАҒЛАРИ ВА МОЛ-МУЛКИ

10.1. Касаба уюшмасининг мулки дахлсиздир ва у қонун билан кўриқланади. Касаба уюшмасининг мол-мулки национализация, реквизиция ва мусодара қилинмайди, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

10.2. Касаба уюшмаси ўз мулкида биноларга, иншоотларга, турар жойга ва яшаш учун мўлжалланмаган жойларга, асбоб-ускуналарга, инвентарларга, пул маблағларига, шу жумладан чет эл валютасидаги пул маблағларига, қимматли қоғозларга ва бошқа мол-мулкка эга бўлиши мумкин.

Касаба уюшмасининг махсус ҳисобварағидан иш берувчининг мажбуриятлари бўйича ундирувга йўл қўйилмайди.

10.3. Қуйидагилар касаба уюшмасининг мулки ва маблағларини шакллантириш манбалари бўлиши мумкин:

- ҳар ойлик аъзолик бадаллари;
- ихтиёрий мулкӣ бадаллар ва ҳайриялар;
- тадбиркорлик фаолиятидан тушган тушумлар;
- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Касаба уюшмаси мазкур Уставда белгиланган мақсад ва вазифаларига эришиш учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ,

тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши, пуллик хизмат кўрсатиши, спорт объектлари ва иншоотларини ижарага бериши, турли жамғармаларни шакллантириши, касаба уюшмасининг банкларини ташкил этиш, ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини амалга ошириши, пул маблағларини акция ва облигацияларга инвестициялаши мумкин.

Ўз навбатида, мазкур фаолиятдан тушадиган даромадлар (фойдалар) фақат ушбу Уставда кўзда тутилган мақсадларга эришиш учун сарфланади.

10.4. Касаба уюшмаси ўз пул маблағларини касаба уюшмаси Кенгаши раёсати томонидан тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметасига асосан сарфлайди.

10.5. Аъзолик бадаллари ойлик иш ҳақи, (стипендия)нинг камида бир фоизи миқдориди белгиланади ва унинг миқдори ва тўлаш тартиби касаба уюшмаси Кенгаши қарори билан белгиланади.

10.6. Касаба уюшмасининг пул маблағларини тақсимлаш, мулкни тасарруф этиш ҳуқуқи касаба уюшмаси Кенгаши раёсати ваколатига киради, ўз навбатида, улар маблағлардан оқилона фойдаланганлиги ҳақида касаба уюшмаси аъзолари олдида ҳисобот берадилар.

10.7. Касаба уюшмаси Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига биноан мулкга эгалик ҳуқуқи асосида ўзларига тегишли бўлган мулкга эгалик қиладилар, улардан фойдаланадилар ва уларни тасарруф этадилар.

10.8. Касаба уюшмаси ўзининг пул маблағларини банкларда сақлайди ва фоиз ифодасида даромад олиш ҳуқуқига эга.

10.9. Касаба уюшмаси бошланғич ташкилоти касаба уюшмаси таркибидан чиққанда, касаба уюшмаси мулкида мулкий улушга эга бўлмайди ва унинг касаба уюшмасига кўчириб берилган ажратмалари ва мулклар қайтарилмайди.

Касаба уюшмасининг мулки ҳисобланган мол-мулкка ёки унинг ишончли бошқарувида, беғараз фойдаланишида ёхуд бошқа ҳуқуқда бўлган мулкларга эгалик қилиш, фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш, шунингдек касаба уюшмаси томонидан мулк сотиб олиш ва бошқалар ихтиёрига ўтказиш масаласи бўйича қарорлар касаба уюшмаси Кенгаши раёсати томонидан қабул қилинади.

10.10. Касаба уюшмаси аъзоси касаба уюшмасига тегишли бўлган мулк улушига нисбатан мулкий ҳуқуққа эга эмас. Касаба уюшмаси аъзоси унинг таркибидан чиққан ёки чиқарилган ҳолда, унинг мулк улушига бўлган талаблари қондирилмайди.

10.11. Касаба уюшмасининг мулки унинг розилигисиз фақатгина суд қарорига асосан олиб қўйилиши мумкин.

XI. КАСАБА УЮШМАСИДА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ

11.1. Касаба уюшмаси органларидаги сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланганлиги туфайли ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилган ходимлар билан, ҳамда касаба уюшмаси Кенгаши аппаратида банд бўлган ходимлар билан меҳнат

муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар, жамоа шартномаси ва бошқа локал норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

11.2. Касаба уюшмаси органларига касаба уюшмасининг ҳар бир аъзоси сайланиши мумкин.

Сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланган асосий ишидан озод этилган ходимлар билан беш йил муддатга муддатли меҳнат шартномалари (контракти) тузилади. Конференция номидан меҳнат шартномаларини имзолаш конференция томонидан ваколат берилган шахс томонидан амалга оширилади.

11.3. Касаба уюшмаси органига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилган шахслар учун қонунчиликда кафолатлар белгиланган бўлиб, касаба уюшмаси органидаги сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланганлиги туфайли ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилган ходимларга уларнинг сайлов ваколатлари тугаганидан сўнг аввалги иши (лавозими) берилади, бундай иш (лавозим) мавжуд бўлмаган тақдирда эса ўша ташкилотда ёки ходимнинг розилиги билан бошқа ташкилотда аввалгисига тенг бошқа иш (лавозим) берилади, шунингдек ушбу ходимларига амалдаги ижтимоий-меҳнат таъминотига оид қонун ҳужжатлари қоидалари татбиқ этилади.

11.4. Штатдаги касаба уюшмаси ходимларининг шахсий ҳужжатлари йиғмажилди ва меҳнат дафтарчалари ходимлар билан меҳнат шартномаси (контракт) тузган касаба уюшмаси ташкилотида сақланади.

11.5. Касаба уюшмаси органига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган шахслар учун қонунчиликда кафолатлар белгиланган бўлиб, касаба уюшмаси органига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган шахслар билан меҳнат шартномасини бекор қилишнинг умумий тартибига риоя этишдан ташқари, улар аъзо бўлган касаба уюшмаси органининг розилиги олдиндан олинган ҳолда йўл қўйилади.

XII. КАСАБА УЮШМАСИНИНГ ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТИ

12.1. Касаба уюшмаси ўз фаолияти натижаларига доир молиявий ва статистик ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига асосан олиб боради ва ишончлилигини таъминлайди.

12.2. Касаба уюшмаси ўз фаолияти натижаларининг ҳисобини юритади, ҳамда рўйхатга олувчи, статистика ва солиқ органларига белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этади.

XIII. КАСАБА УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ ТАРТИБИ

13.1. Касаба уюшмаси фаолиятини қайта ташкил этиш (бирлашиш, бўлиниш, ажралиб чиқиш ва бошқалар) ёки тугатиш Конференция қарорига кўра амалга оширилади.

13.2. Касаба уюшмаси қайта ташкил этилгандан сўнг Қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда давлат рўйхатига олинади.

13.3. Касаба уюшмаси фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги қарор айнан шу масала юзасидан чақирилган Конференцияда қабул қилинади.

13.4. Касаба уюшмаси фаолиятини тўхтатиш ёки уни тугатиш Конференциянинг қарорига биноан ёки суд тартибида амалга оширилади.

13.5. Касаба уюшмаси тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган орган давлат рўйхатидан ўтказувчи адлия органи билан келишган ҳолда тугатиш комиссиясини тайинлайди.

13.6. Касаба уюшмаси ўз фаолиятини тугатган тақдирда Конференция унинг мол-мулкидан фойдаланиш тўғрисида қарор чиқаради. Касаба уюшмасининг мол-мулки унинг ходимлари, аъзолари ўртасида бўлинмайди. Қолган мол-мулклар Уставдаги мақсад ва вазифалар йўлида ёки хайрия мақсадларида сарфланади.

13.7. Касаба уюшмаси тугатилган ҳолда унинг ҳужжатлари белгиланган тартибда давлат архиви ташкилотларига сақлаш учун топширилади.

13.8. Касаба уюшмасининг фаолияти маъмурий тартибда тугатилиши ёки тўхтатиб турилиши мумкин эмас.

XIV. КАСАБА УЮШМАСИ УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

14.1. Касаба уюшмаси Уставини тасдиқлаш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Конференция ваколатига киради.

Конференциялар оралиғида касаба уюшмасининг Уставига қонунчилик асослари ва бошқа сабабларга кўра қисман ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши касаба уюшмаси Республика Кенгаши (Мажлиси) қарори билан амалга оширилиши мумкин.

14.2. Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши тўғрисида қарор кворум мавжуд бўлганда Конференцияда иштирок этаётган делегатлар, Республика Кенгаши мажлисида иштирок этаётган кенгаш аъзоларининг камида 2/3 (учдан икки) қисми ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади.

14.3. Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганидан сўнг, қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатда тегишли ҳужжатлар қайта рўйхатдан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этилади.

XV. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

15.1. Мазкур Уставда назарда тутилмаган қоидалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига асосан тартибга солинади.

15.2. Ушбу Устав қоидаларини Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига зид тарзда талқин қилиш мумкин эмас ҳамда Устав қоидаларини Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига зид тарзда ифода қилинган бандлари ҳақиқий эмасдир.